**ПУДРАТ**
**ШАРТНОМАСИ №28/07-1**

Тошкент шахри "28" июль 2022 йил

Кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **«SAMARIDDIN STROY BUSINESS» МЧЖ** номидан низом асосида иш кўрувчи **Тонготаров.С.Р** бир томондан ва кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Тош.ш. «Баркамол авлод» болалар мактаби номидан низом асосида иш кўрувчи Мирсагатова Т.М иккинчи томонидан. Жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини тузилди.

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома шартномага мувофик **Тошкент шахар «Баркамол авлод» болалар мактабида иситиш тизимини жорий таъмирлаш** бўйича таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "20" июлдаги **107839**-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **125200000,00 (**Бир юз йигирма беш миллион икки юз минг**)** сўм ҚҚС билан ташкил этади

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

4. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун майдонини Пудратчига бериш, тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Шартномага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

10. Пудратчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

## VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича 30 фоиз аванс ўтказади, бу **37 560 000,00 (Уттиз етти миллион беш юз олтмиш минг )** сўмни ташкил этади.

13. Таъмирланаётган объектнинг қолган 70 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги бажарилган ишларнининг форма-2 ва форма-3ларга асосан амалга оширилади.

## VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

14. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

15. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

16. Таъмирлаш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

17. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

18. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

19. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

20. Пудратчи таъмирлаш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

21. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро

муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

22. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

23. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

24. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

25. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

26. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## X. ТАЪМИРЛАНИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

27. Таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

28. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 3 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

29. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XI. КАФОЛАТЛАР

30. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

31. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 2022 йил 28 июль идан кечикмаган холда камида 3 ой этиб белгиланади.

32. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

33. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

34. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

35. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

36. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

37. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

38. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

39. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

40. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

41. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

42. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

43. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

44. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

## XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

45. Томонлар, уларнинг афилланган (узаро богланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома буйича уз мажбуриятларини бажаришлари давомида каррупсияга карши курашиш сохасидаги Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатлари талабларининг узилишига олиб келадиган ва ёки коррупсия характерига эга булган, шу

жумладан (аммо у билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада килиш таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози булиш хатти-харакатлари харакатсизликларни содир этмайдилар

Томонлар , улар афилланган (узаро богланган) ) шахслари ва ходимлари бошка томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини кандайдир тарзда рагбадлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларни такдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз курсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рагбадлантирувчи Томон фойдасига кандайдир хатти-харакатларини харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга каратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум киладилар.

46. Томонда ушбу шартноманинг 45 бандидаги талабларни бузиш содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тугрисидаги шубхалар юзага келган холда, тегишли Томон бу хакда иккинчи Томоннни хабардор килиш, каррупсия билан курашиш сохасидаги Узбекистон Республикаси конун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб булмайдиган далиллари мавжуд булган холда эса -амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни хам хабардор килиши мажбуриятини уз зиммасига олади.

## XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

47. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

48. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

49. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

50. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

51. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва 20 22 йилнинг 31 декабрига қадар амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| Етказиб берувчи | Буюртмачи |
|---|---|
| **Ташкилот номи: ООО «SAMARIDDIN STROY BUSINESS»**<br><br>**Адрес: Ташкентская обл. Ахангаранский р. 4 мик. район, 31 дом, 28 кв.**<br><br>**р/с: 20208000200472807001**<br><br>**в. АКБ «Турон банк» Яшнабадский фил.**<br><br>**МФО: 01083 ИНН 303 353 230**<br><br>**Директор** ____________ **Тонготаров С.**<br><br>М.Ў. | **Ташкилот номи:**<br>ТОШКЕНТ ШАХАР «БАРКАМОЛ АВЛОД» БОЛАЛАР МА...<br>Тошкент шахри, М.Улугбек т. Мустакиллик шох кучаси, 69-уй<br>Тел: (+99871) 237-10-73<br>**Адрес:**<br>**р/с:** 10002186026263410961000750003<br>Марказий банк Тошкент шахар ХККМ МФО 00014<br>ИНН 302 049 545 ОКОНХ 93145<br>**банк:**<br>Мол.Газна. 2340 2000 3001 0000 1010<br>ИНН 201 122 919 МФО 00014<br>**МФО: ИНН**<br><br>**Директор** ____________ Мирсоатова Т.М<br><br>М.Ў.<br><br>Юрист: Усмонов А.Б |

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 107839 на приобретение Услуга по текущему ремонту системы отопления

Способ проведения электронный

Дата 20.07.2022

Время рассмотрения 19.07.2022 17:09

Конкурсная комиссия Тошкент шахар Баркамол авлод болалар мактаби, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NI IRINA KONSTANTINOVNA | Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари | Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари |
| **Секретарь комиссии** | DJURAKULOVA SHAHNOZA XASANOVNA | Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис | Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис |
| **Член комиссии** | RASULOV MAMED ALIYEVICH | Касаба уюшма қўмитаси раиси | Касаба уюшма қўмитаси раиси |
| **Член комиссии** | BURIYEV SHERZOD UKTAM O'G'LI | Услубчи | Услубчи |
| **Член комиссии** | ISMOILOV QAXRAMON BOYNAZAROVICH | Фондларни сақловчи | Фондларни сақловчи |
| **Член комиссии** | ALLABERDIYEV SHERALI JOVLI O'G'LI | Бош ҳисобчи | Бош ҳисобчи |
| **Член комиссии** | MADATOV ELBEK MADAT O'G'LI | Услубчи | Услубчи |
| **Член комиссии** | BURIYEV UTKIR SULTONOVICH | Хўжалик мудири | Хўжалик мудири |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.07.2022 года № лота 107839.
Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 4

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по текущему ремонту системы отопления, сан узла** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуга по текущему ремонту системы отопления |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 149 982 833.00 |
| Стартовая сумма | 149 982 833.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ушбу иссиклик тизмини жорий таъмирлаш таклиф килувчи корхоналар шу фаолият билан иш юритиши, корхонанинг гувохномаси ва сертифекати, таъмирлашга етарли айланма маблаглари (банк маълумотномаси) булиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: иссиклик тизмини жорий таъмирлаш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | guvoxnoma | 3 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 2 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | гувохномаси ва сертифекат, справка банк | 3 | Экспертная | | |

Критерий №2 Сифатли хизмат

Тип: Текстовое значение

Описание: Услуга по текущему ремонту системы отопления

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | Кафолат Хати Ишларни сифатли бажариш тўғрисида | 3 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 0 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | кафолат хати | 3 | Экспертная | | |

Критерий №3 Корхона томонидан жорий таъмирлаш ишлари тугатилгандан сўнг бажарилган иш юзасидан 1 йиллик кафолат хати берилиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: иссиклик тизминин жорий таъмирлаш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | бажарилган иш юзасидан 1 йиллик кафолат хати | 3 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **STROY BUSINESS** | | | | | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 1 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | кафолат хати | 3 | Экспертная | | |

Критерий №4 Корхона тажрибали мутахассисларга эга бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: иссиклик тизминин жорий таъмирлаш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | ishchilar va korxona umumiy malumotlari | 3 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 4 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | справка mehnat..uz | 3 | Экспертная | | |

Критерий №5 Таъмирлаш ишини бажарувчи корхонанинг камида 3 йиллик тажрибаси бўлиши шарт.

Тип: Текстовое значение

Описание: иссиқлик тизмини жорий таъмирлаш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | bajarilgan ishlar dalolatnomalari.11 йиллик тажрибани тасдиқловчи Гувохнома. | 2 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 1 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | олдин топширилган ишлар счет фактуралари , отзыв | 2 | Экспертная | | |

Критерий №6 Шартномада кўрсатилган муддатда жорий таъмирлаш ишлари тугатилиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: иссиклик тизмини жорий таъмирлаш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ЧП INVICTA** | 5 | Кафолат Хати муддатида тугатиш тўғрисида | 3 | Экспертная | | |
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **Vodiy Voha** | 5 | 143313000 | 3 | Экспертная | | |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 5 | 5 | 3 | Экспертная | | |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 5 | 0 | 5 | Экспертная | | |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 5 | кафолат хати | 3 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 149 982 833.00 | 125 200 000.00 UZS | 125 200 000.00 | 00.00 | 125 200 000.00 | 06.07.2022 00:05:28 | 100.00 |
| **Vodiy Voha** | 149 982 833.00 | 143 313 000.00 UZS | 143 313 000.00 | 00.00 | 143 313 000.00 | 06.07.2022 09:57:51 | 87.36 |
| **ЧП INVICTA** | 149 982 833.00 | 134 900 000.00 UZS | 134 900 000.00 | 00.00 | 134 900 000.00 | 01.07.2022 01:59:41 | 92.81 |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 149 982 833.00 | 146 000 000.00 UZS | 146 000 000.00 | 00.00 | 146 000 000.00 | 06.07.2022 10:38:40 | 85.75 |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 149 982 833.00 | 134 265 200.00 UZS | 134 265 200.00 | 00.00 | 134 265 200.00 | 06.07.2022 10:07:26 | 93.25 |
| **ООО DUSIMBIY STROY** | 149 982 833.00 | 128 999 000.00 UZS | 128 999 000.00 | 00.00 | 128 999 000.00 | 06.07.2022 11:05:10 | 97.06 |

**Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | Прошел | 100 | 100 |
| **Vodiy Voha** | Прошел | 87.36 | 87.36 |
| **ЧП INVICTA** | Прошел | 92.81 | 92.81 |
| **STROY ELEMENT CO MCHJ** | Прошел | 85.75 | 85.75 |
| **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | Прошел | 93.25 | 93.25 |
| **OOO DUSIMBIY STROY** | Прошел | 97.06 | 97.06 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 107839 от 20.07.2022 года на приобретение Услуга по текущему ремонту системы отопления определила победителем:

OOO SAMARIDDIN STROY BUSINESS
303353230

и резервный исполнитель: OOO DUSIMBIY STROY (308478696)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NI IRINA KONSTANTINOVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | RASULOV MAMED ALIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURIYEV SHERZOD UKTAM O'G'LI | Не согласен | |
| **Член комиссии** | ISMOILOV QAXRAMON BOYNAZAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ALLABERDIYEV SHERALI JOVLI O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | BURIYEV UTKIR SULTONOVICH | Не согласен | |
| **Член комиссии** | MADATOV ELBEK MADAT O'G'LI | Не согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Тошкент вилояти

Toshkent viloyati Toshkent sh., 100011, Abay koʻch., 6-uy Tel: +998 71 244-43-56, Faks: +998 71 244-26-05, e-mail: vilekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: NORBAYEV DUSMUROT ELOMONOVICH
Sana:19-08-2022 yil

## Yig'ma ekspert xulosasi № 57494

**Obyekt nomi** «Тошкент шахар "Баркамол авлод" болалар мактаби биносида иситиш тизимини жорий таъмирлаш»

**Buyurtmachi –** Тошкент шахар «БАРКАМОЛ АВЛОД» Болалар мактаби.
**Bosh loyihachi** - «CONSTRUCTION MEASURING COMPANY» МЧЖ
**Litsenziya** Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги томонидан 01-02-2021 йилда берилган
**Moliyalashtirish manbai** - Бюджет маблағлари хисобидан.
**Bosh pudratchi** – Танлов савдолари асосида аникланади.
**Qurilish turi** Жорий таъмирлаш
**Murojaat raqami:** № 54760

### 1. Loyihalash uchun asos

- 1.1. Лойиҳалаш топшириғи, буюртмачи Тошкент шахар «БАРКАМОЛ АВЛОД» Болалар мактаби томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «CONSTRUCTION MEASURING COMPANY» МЧЖ томонидан 2022йилда келишилган.
- 

### 2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

- 2.1. Ишчи лойихани ишлаб чиқиш босқичидаги лойиха-смета хужжатлари, қуйидагилардан иборат:
- 2.2. Нуқсон далолатномаси буюртмачи Тошкент шахар «БАРКАМОЛ АВЛОД» Болалар мактаби томонидан тасдиқланган ва лойиха ташкилоти «CONSTRUCTION MEASURING COMPANY» МЧЖ томонидан келишилган 2022йилда.
- - Тақдим этилган смета хужжатлари жорий нархларда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз билан 153113,607 минг сўм миқдорида.
- - Локал манбалар руйхати ва зарурий манбалар руйхати.

### 3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

- *3.1. Тақдим этилган смета хужжатларида назарда тутилган:*
- -пўлат қувурли радиаторларни биметаллик радиаторларга алмаштириш;
- -сув қувурларини ўрнатиш ишлари ва бошқалар.
- **Баёнотни, иш ҳажмини ва қурилиш учун ишлатиладиган ресурсларнинг нархини**

**аниқлашнинг ҳақиқийлигини баҳолаш.**

- Хисоб – китоб смета харажатлари ВМ қарорларига мувофиқ жорий нархларда тузилган 11.06.2003йилнинг №261 сонли "инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги қарори, 12.05.2004йил №226-сонли "Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ва ШНҚ 4.01.16-09-сон "қурилиш харажатларини шартномавий жорий нархларда аниқлаш қоидалари".
- Ҳисоблаш ресурс усулига асосланган.
- Асосий қурилиш материаллари, конструксиялар, маҳсулотлар ва асбоб-ускуналар қиймати ҳар чоракда ишлаб чиқилган жорий нархлар каталогига, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, заводларнинг улгуржи ва сотиш нархларига мувофиқ белгиланади.

**4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:**

-

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

- Буюртмачи Тошкент шахар «БАРКАМОЛ АВЛОД» Болалар мактаби 2022 йил.

**6. Ekspertiza natijalari.**

- 5.1. Тақдим етилган ҳужжатларни локал хулосалар бўйича экспертизадан ўтказиш жараёнида ўзгартириш, қўшимча ва тузатишлар киритилди:
- - тузатилган ва иш кўламини аниқлаб, асосий қурилиш материаллари қиймати, қурилиш ишчилари меҳнат харажатлари, машиналар ва механизмларини қиймати, ускуналар қиймати ва бошқалар.
- 5.2. Экспертиза текшируви натижаларига кўра, смета ҳужжатларининг ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 153113,607 минг сўм жорий нархларда тақдим қилинган қиймати 3130,774минг сўмга камайтирилди ва ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 149982,833 минг сўмни ташкил этди.
- Камайишга ишчи лойиҳа асосида қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини созлаш, элементар ресурс стандартлари, стандартларини аниқлаштириш, асосий қурилиш материалларининг нархи, қурилиш ишчиларининг меҳнат харажатлари ва бошқалар орқали эришилди.
- Пудратчининг бошқа харажатлари даражаси 17,27% миқдорида қабул қилинди.
- 5.3. Демонтаж ишлари давомида материалларни қайтариш нархи буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда аниқланиши керак.
- 5.4. Ҳужжатлар эксперт текшируви учун буюртмачининг шарҳларисиз тақдим этилган.
- 5.5. Тасдиқлашдан олдин буюртмачи ҳужжатларни барча манфаатдор ташкилотлар билан белгиланган тартибда мувофиқлаштириши керак.

**7. Xulosalar.**

- 6.1. Объект учун жорий нархларда тахмин ҳужжатлар қиймати ҳисоблаш кўра "**Тошкент шахар "Баркамол авлод" болалар мактаби биносида иситиш тизимини жорий таъмирлаш",** экспертиза натижаларини ҳисобга олган ҳолда ҚҚС билан ва буюртмачи харажатларисиз 149982,833 минг сўм миқдорида харажат билан келгусида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилади.
- 6.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261-сонли қарори билан тасдиқланган «Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда

белгилаш тартиби тугрисидаги вақтинчалик низом»га мувофиқ. ва Вазирлар Маҳкамасининг 31.01.2022 йилдаги 46-сон қарорига асосан танлов натижалари билан ишларнинг қиймати амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан қабул қилинади ва ҳоказо.

**Bosh mutaxassis:** Qarshibayev Rustamjon Absami o‘g‘li

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент шахар “Баркамол авлод” болалар мактаби директори
_____________Т.М.Мирсагатова

Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида иссиклик тизимини жорий таъмирловчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши.

**2-сонли БАЁНИ**

“ 26 ” июль 2022 йил Тошкент шаҳри

Иштирок эттилар:

| | |
|---|---|
| И.К.Ни | Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари -танлов комиссия раиси |
| Ш.Х.Джуракулов | Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис -комиссия котиби |
| Қ.Б.Исмоилов | Фонд сақловчиси -танлов комиссия аъзоси |
| Ш.У.Буриев | Услубчи -танлов комиссия аъзоси |
| Ш.Ж.Аллабердиев | Бош хисобчи -танлов комиссия аъзоси |
| Мадатов Э.М. | Услубчи -танлов комиссия аъзоси |
| Расулов М.А. | Касаба уюшма қўмитаси раиси -танлов комиссия аъзоси |
| У.С.Буриев | Хўжалик мудири -танлов комиссия аъзоси |

**КУН ТАРТИБИ:**

**Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида иссиклик тизимини жорий таъмирлаш учун мухокамага жойлаштириш.**

**Кун тартибига қуйилган масала юзасидан комиссия аъзоси хужалик мудири У.С.Буриев сўзга чиқиб** Тошкент шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида иссиклик тизимини жорий таъмирлаш учун шартнома тузиш кераклагини таъкидлаб ўтди, Тошкент шаҳар Баркамол авлод” болалар мактаби xarid.uzex.uz сайтига 149 982 833 сўмга 107839-сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим қилинган 6 та корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Мактабнинг хужалик мудири -танлов комиссия аъзоси У.С.Буриев ЎРҚ-684 – сонли “Давлат харитлари тўғрисида” ги қонуннинг талабларига қаттий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари мағлабларни мақсадли таързда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харит комиссия аъзолари мазкур 107839-сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харитлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-684 – сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахсий мазкур 107839-сонли лотда иштирок этмайди.

Муҳокамага қуйилган масала юзасидан икки иш куни давомида хеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозилик билдирмади.

Маълумотлар start.uz сафиқаси орқали текширилди.

**Таклиф этилаётган нархлар, баллар қўйидагичалар белгиланган:**

| № | Иштирокчилар номи | Таклиф этилаётган нарх | Балл |
|---|---|---|---|
| 1 | **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** | 125 200 000.00 | 100.00 |
| 2 | **Vodiy Voha** | 143 313 000.00 | 87.36 |
| 3 | **ЧП INVICTA** | 134 900 000.00 | 92.81 |
| 4 | **STROY ELEMENT CO MCHJ** | 146 000 000.00 | 85.75 |
| 5 | **COMPLETE TRADE SERVICE MCHJ** | 134 265 200.00 | 93.25 |
| 6 | **ООО DUSIMBIY STROY** | 128 999 000.00 | 97.06 |

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** корхонаси таклифи энг мақбули деб топилди.

Комиссия қарор қилди:

1. Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар мактабида иссиклик тизимини жорий таъмирлаш **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** корхонаси таклифи бир овоздан мақуллансин.
2. **ООО SAMARIDDIN STROY BUSINESS** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзоллаш мақсадида мувофик деб белгилансин.
   Ушбу баённома ижроси бош ҳисобчи Ш.Ж.Аллабердиев зиммасига юклатилсин.

**Танлов комиссия аъзолари:**

| | |
|---|---|
| И.К.Ни | Директорнинг ўқув ишлар бўйича ўринбосари |
| Ш.Х.Джуракулов | Ходимлар билан ишлаш бўйича бош мутахассис |
| Қ.Б.Исмоилов | Фонд сақловчиси |
| Ш.У.Буриев | Услубчи |
| Ш.Ж.Аллабердиев | Бош хисобчи |
| Мадатов Э.М. | Услубчи |
| Расулов М.А. | Касаба уюшма қўмитаси раиси |
| У.С.Бўриев | Хўжалик мудири |